



НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛ МУОМАЛАСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Даврон Касимов

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат
хавфсизлиги Департаменти Жамоат тартибини
сақлаш хизмати бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи
kasimovdavron80@gmail.com*

Аннотация. Мақолада қурол-яроғнинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик, мавжуд амалиёт ҳамда халқаро тажриба комплекс таҳлил қилиниб, ихтиёрий равишда қурол ва ўқ-дориларни топшириш институтларининг самарадорлиги, процессуал келишув механизмнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидаги ўрни, шунингдек тезкор-профилактик тадбирларнинг натижадорлиги илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёритилган.

Калит сўзлар: Ноқонуний қурол муомаласи, қурол муомалси, ихтиёрий топшириш, процессуал келишув, тезкор-профилактик тадбирлар, қонунчиликни такомиллаштириш, қурол назорати, криминологик таҳлил, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти.

ПРОФИЛАКТИКА НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА ОРУЖИЯ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

Даврон Касимов

*Начальник отдела Службы охраны общественного
порядка Департамента общественной
безопасности Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан, независимый исследователь
kasimovdavron80@gmail.com*

Аннотация. В статье проведен комплексный анализ национального законодательства, существующей практики и международного опыта в области предупреждения и противодействия незаконному обороту оружия. С научно-правовой точки зрения обоснована эффективность института добровольной сдачи оружия и боеприпасов, роль механизма процессуального соглашения в правоохранительной практике, а также результативность оперативно-профилактических мероприятий.



Ключевые слова: Незаконный оборот оружия, оборот оружия, добровольная сдача, процессуальное соглашение, оперативно-профилактические мероприятия, совершенствование законодательства, контроль над оружием, криминологический анализ, правоохранительная практика.

Бир қатор мамлакатларда террористик ташкилотлар ва уюшган жиноий тузилмалар ўз фаолиятларини амалга оширишда, шунингдек айрим тоифадаги шахслар томонидан оммавий қотилликлар бевосита фуқаровий қуроолардан ҳамда турли хил портловчи моддалардан фойдаланган ҳолда содир этилаётганлиги қурол ва унинг ўқ-дорилари, портловчи материаллар муомаласи етарлича тартибга солинмаганлиги ҳамда назорат қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотларга кўра, 1991-2024 йиллар давомида дунё мамлакатларида ўқотар қурооллардан фойдаланилган 129 та оммавий қотиллик ҳолати қайд этилган бўлиб, уларнинг аксариятида фуқаролик ов қуроолари, айрим ҳолларда эса рўйхатдан ўтмаган фуқаролик, хизмат ёки жанговар ўқотар қурооллар ишлатилган. Ушбу ҳодисаларда қурбонларнинг умумий сони 593 кишини ташкил этиб, ҳар бир ҳодисага ўртача 4,59 нафар жабрланувчи тўғри келган ва аксарият ҳолларда (53,2%) учта одам ҳалок бўлган.¹

Тарихий таҳлиллар ноқонуний қурол муомаласи ва оммавий қурол ишлатиш муаммоси дунё миқёсида узоқ йиллардан бери долзарб эканини кўрсатади. 1966–2012 йилларда 71 давлатда 171 та оммавий отишма қайд этилган бўлиб, бу ҳар бир мамлакатда ўртача 1,7 тадан шундай жиноят содир этилганини англатади. Ҳолатларнинг асосий қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келган, шу билан бирга Филиппин, Россия, Яман ва Францияда ҳам бундай ҳодисалар кескин ажралиб турган. Бу эса турли давлатлардаги қурол муомаласи тизими қанчалик фарқ қилмасин, оммавий қурол ишлатиш глобал хавф сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади.²

Оммавий қурол ишлатишнинг фожиали оқибатлари 2011 йил 22 июлдаги Норвегиядаги террористик ҳужум мисолида яққол кўринади — ушбу ҳодиса 77 нафар фуқаронинг вафотига сабаб бўлиб, Европа тарихи учун энг қонли ҳужумлардан бири сифатида қайд этилган.³

Россияда таълим муассасалари ва жамоат жойларига қилинган ҳужумлар оммавий қурол ишлатиш муаммосининг жиддийлигини тасдиқлайди. 2018 йил

¹ Общественные массовые стрелки и огнестрельное оружие: межнациональное исследование 171 страны электрон мурожаат: https://www.researchgate.net/publication/292305105_Public_MassShooters_and_Firearms_A_Cross-National_Study_of_171_Countries?utm_source=chatgpt.com

² А.В. Голёнов, П.Б. Зотов, В.А. Козлов, А.В. Филоненко “Массовые убийства с использованием огнестрельного оружия в современной России” 110 ва 114-бет, электрон манбаа: [massovye-ubiystva-s-ispolzovaniem-ognestrel'nogo-oruzhiya-v-sovremennoy-rossii.pdf](#);

³ Терракты в Норвегии в 2011 году, электрон манбаа: [2011 Norway attacks - Wikipedia \(turbopages.org\)](#);

Керчда 21 нафар, 2021 йил Пермда 6 нафар, 2024 йил “Крокус Сити Холл”да 139 нафар фуқаронинг ҳалок бўлиши қурол муомаласида назорат механизмлари суст бўлган тақдирда ҳатто қонуний қурол ҳам катта хавф манбаи бўлишини кўрсатади.⁴

Суд-ҳуқуқ амалиётига кўра, ўқ-дорилар, ўқотар қурол қисмлари, портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаш ёки эгаллаш, шунингдек қуролни бепарволик билан сақлаш жамоат хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий таҳдид солади.⁵ 2020–2024 йилларда юртимизда 9,48 млн дона қурол ва 49,67 млн дона ноқонуний ўқ-дорилар аниқланиб олингани муаммо динамикаси юқори даражада сақланаётганини кўрсатади.

Бу ҳолатлар оммавий отишмаларнинг жиноий моҳияти ва хавфлилик даражасини ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан чуқур ўрганиш зарурлигини, шунингдек қурол-яроғ муомаласида назорат, ҳисобга олиш ва профилактика механизмларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Қурол ва портловчи моддалар муомаласи устидан назорат жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг самарадорлиги қонун устуворлиги ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада “Қурол тўғрисида”ги⁶, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги⁷, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги⁸ Қонунлари, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қарорлари⁹ асосий ҳуқуқий базани ташкил қилади.

⁴ Резня в Керченском политехническом колледже, электрон манбаа: https://en.wikipedia.org/wiki/Kerch_Polytechnic_College_massacre?utm_source=chatgpt.com

⁵ “Қонунга ҳилоф равишда қуролга эғалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 27.02.1996 йилдаги 3-сон, 1-банд, электрон манбаа: <https://www.lex.uz/docs/1441585?ONDATE=20.11.2023%2000#edi6688992>;

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида” 29.07.2019 йилдаги ЎРҚ-550-сон Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 6.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” 15.12.2000 йилдаги 167-II-сон Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.

⁹ 1) Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” 14.07.2021 йилдаги ЎРҚ-701-сон Қонунига 1-илова 40-позицияси ва 2-илова 92-позицияси, қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2025 й., 03/25/1050/0276-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 21.02.2022 йилдаги 80-сон қарорга 34-илова “Фуқаровий ва хизмат қуроллини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш паспорти” Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/5870213#6997825>; 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорга 46-илова “Юридик шахслар учун фуқаровий ва хизмат қуроллини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга доир рухсатнома паспорти” ва 47-илова “Жисмоний шахслар учун фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда



Ўзбекистонда қурол муомаласи устидан давлат назорати Ички ишлар вазирлиги, ДХХ, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, прокуратура, суд органлари ҳамда Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги томонидан амалга оширилади. Мавжуд ваколатлар тизими комплекс назоратни таъминлаб келмоқда, бироқ ноқонуний қурол айланмаси ҳолатлари соҳада янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қуролларнинг ноқонуний айланишига олиб келаётган асосий манбалар сифатида қуйидагиларни ташкил этамоқда:

- а) қурол ва ўқ-дорилар сақланадиган омборлардан ўғирлик ҳолатлари;
- б) қуролли можаролар ҳудудларидан ноқонуний тарзда олиб кирилган қуроллар;
- в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хусусий қўриқлаш тузилмалари ходимларидан йўқолган ёки ўғирланган қуроллар;
- г) травматик қуролларни ноқонуний равишда жанговар ўқ-дорилар билан отишга мослаштириш амалиёти;
- д) яширин қурол ишлаб чиқарувчи устахоналар фаолияти;
- е) хорижий давлатлардан қурол-яроғ контрабандаси каби омиллар қайд этилади.

Бундай манбалар учун имконият яратаётган шарт-шароитлар ичида, аввало, 1974 йилгача фуқаролар томонидан овчилик гувоҳномаси ва шахсий ҳужжат асосида қурол сотиб олиш амалиётининг мавжудлиги муаммонинг илдизларидан бири сифатида қайд этилиши лозим. Чунки ушбу даврда қуроллар тўлиқ рўйхатга олинмагани натижасида жамиятда рўйхатдан ўтказилмаган ов қуролларининг муайян захираси тўпланиб қолган (бу ҳолат совет даври ички ишлар органлари статистик маълумотларида ҳам қайд этилган)¹⁰.

Интернет тармоғида қуролларни қайта жиҳозлаш ва қўлбола портловчи қурилмалар тайёрлашга оид тақиқланган маълумотларнинг тарқалиши, мустақилликнинг дастлабки йилларида қурол сақлаш қоидаларига риоя этилмаглиги, ҳамкорлик механизмларининг етарли шаклланмагани ҳамда қурол эгалари томонидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг бузилиши қурол ва ўқ-дориларнинг ноқонуний муомалага ўтиб кетишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ноқонуний қурол айланмасига қарши курашишдаги энг катта мураккабликлардан бири — унинг юқори даромадлиги, трансмиллий характери ва яширин бозор сегменти мавжудлигидир. Бу соҳа уюшган тарзда фаолият юритиб, ички ва ташқи каналлар орқали узлуксиз тикланиш хусусиятига эга. Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ноқонуний

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга доир рухсатнома паспорти” 22.02.2022 йилдаги 86-сон, Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/5871129>.

¹⁰ Из истории “разрешительной” системы в России... Электрон манбаа: <https://forum.guns.ru/forummessage/36/1215024.html>.



қурол бозорининг муайян қисми ҳали ҳам фаоллигини сақлаётгани ушбу муаммони комплекс ҳал этиш зарурлигини кўрсатади.

Қуролнинг ҳукукий табиатига доир илмий тадқиқотларда у дуалистик хусусиятга эга эканлиги таъкидланади. Яъни қурол, бир томондан, жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган хавф манбаи бўлса, иккинчи томондан, спорт, овчилик, қўриқлаш ва ўзини ҳимоя қилиш каби қонуний соҳаларда зарур техник восита ҳисобланади.

Шу икки хусусият қурол муомаласини тартибга солишда мувозанатли ёндашувни талаб қилади: хавфни камайтиришга қаратилган қатъий назорат чоралари ва фуқароларнинг қонуний эҳтиёжларини таъминловчи ҳукукий кафолатлар бир вақтнинг ўзида инobatга олиниши лозим.

Олимлар таъкидлаганидек, қуролнинг ҳукукий режими — бу фақатгина тартибга солиш эмас, балки жиноятчиликнинг олдини олиш ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ўртасидаги оптимал мувозанатни таъминловчи ҳукукий институтдир.¹¹

Мазкур ёндашув Ўзбекистон шароитида ҳам долзарб ҳисобланади. Чунки қурол муомаласининг миллий ҳукукий моделини такомиллаштиришда унинг ўзига хос икки табиатини инobatга олган ҳолда, назорат, рухсат бериш, профилактика, масъулият ва бевосита қонуний фойдаланишга оид тартиб-таомилларни бир-бирига уйғунлаштириш ҳукукий барқарорликнинг муҳим мезонидир.

Қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан боғлиқ жиноятларнинг оғир ижтимоий-ҳукукий оқибатлари миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани профилактика ва назорат механизмларини қайта кўриб чиқиш, давлат органлари ўртасида мувофиқлаштирилган фаолиятни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Халқаро амалиётда ноқонуний қурол айланмасини камайтиришда қурол ва ўқ-дориларни ихтиёрий топширган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш (“gun buyback”) самарали профилактик механизм сифатида ўзини оклаган. Австралия (1996 йил 35 нафар ҳалокати билан Port Arthur воқеасидан сўнг 650 минг қурол топширилган)¹², Буюк Британия (1996 йил Данблейн ҳодисасидан сўнг 160 минг қурол компенсация билан мусодара қилинган)¹³ тажрибалари бунинг энг ёрқин мисолидир. АҚШда эса бундай дастурлар маҳаллий даражада амалга оширилади, аммо қурол сонининг юқорилиги ва қонунчиликдаги фарқлар туфайли таъсири чекланган.

МДХ давлатларида қурол муомаласи постсовет ҳукукий моделининг қатъий назоратига таянади. Россияда 150-ФЗ қонунига асосан лицензиялаш ва назорат ИИБ,

¹¹ А.С. Сергиенко, Особенности правового режима оружия как объекта правоотношений / А.С. Сергиенко, Р.Р. Гедугошев // Закон и право. – 2023. – № 7. – С. 233-236.

¹² Может ли национальная программа обратного выкупа оружия сократить количество огнестрельного оружия на улицах Америки в 393 миллиона человек? https://www.abc.net.au/news/2019-08-05/us-shootings-gun-buy-back/11383084?utm_source=chatgpt.com;

¹³ Закон об огнестрельном оружии (поправка) 1997 года, <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1997/5/contents>

ФХХ ва Росгвардия ўртасида тақсимланган бўлиб, ноқонуний қуроолларни ихтиёрий топшириш механизми ҳануз қўлланилмоқда¹⁴. Қозоғистон¹⁵, Қирғизистон¹⁶ ва Тожикистонда¹⁷ ҳам ҳар йили пул мукофоти асосида ихтиёрий топшириш тадбирлари ўтказилиб, минглаб қурооллар айланмадан чиқарилмоқда.

Ўзбекистон амалиётида ҳам ушбу механизм юқори самара бермоқда: 2020–2025 йиллар (11 ой) мобайнида 12 029 та қуроол ва 56 064 та ўқ-дори айланмадан олинган бўлиб, уларнинг катта қисми — қуроолларнинг 70 фоизи ва ўқ-дориларнинг 38,5 фоизи — фуқаролар томонидан ихтиёрий тарзда топширилган. Бу рағбатлантириш чораларининг профилактик аҳамияти юқори эканини тасдиқлайди.

“Қуроол тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси¹⁸ қуроол ва ўқ-дориларни ихтиёрий топширган шахсларни рағбатлантириш ҳуқуқий асосини белгилаб, ушбу институтнинг миллий ҳуқуқ тизимида профилактика воситаси сифатида шаклланишини кўрсатади. 2023 йил 25 июлдаги 310-сон Ҳукумат қарори¹⁹ орқали ўқотар қуроолларни ихтиёрий топшириш ва мукофотлаш тартиби жорий этилган бўлса, 2024–2025 йиллардаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220¹-моддасида уларни ихтиёрий топширганлик учун жавобгарликдан озод қилиш меъёри киритилганлиги сабабли²⁰ ушбу механизм пневматик, сигнал берувчи, тигли, улоқтириш ва ўзини ҳимоя қилиш қуроолларига ҳам татбиқ этилди²¹.

¹⁴ 1) Приказ Росгвардии N 216, МВД России N 440 от 23.06.2023 "Об утверждении Порядка взаимодействия Федеральной службы войск национальной гвардии Российской Федерации, ее территориальных органов и органов внутренних дел Российской Федерации по вопросам,... https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_451636/8bba1e1df8c3450e935bb4d60787f4d7f70a34ae/?utm_source=chatgpt.com;

2) Добровольная сдача оружия “Памятка гражданам, добровольно сдавшим незаконно хранившееся у них оружие, боеприпасы, патроны, взрывчатые вещества или взрывные устройства для получения денежной выплаты” https://79.rosguard.gov.ru/page/index/dobrovolnaya-sdacha-oruzhiya/?utm_source=chatgpt.com;

3) Программы обратного выкупа оружия в США, https://www.rand.org/pubs/research_reports/RRA243-7.html?utm_source=chatgpt.com

¹⁵ 1) Закон Республики Казахстан “О государственном контроле оборота отдельных видов оружия” от 30 декабря 1998 года № 339. https://adilet.zan.kz/eng/docs/Z980000339/_compare?utm_source=chatgpt.com;

2) Сколько выплатят гражданам за добровольную сдачу оружия, рассказали в МВД, https://atpress.kz/ru/news/v-kazakhstan/skolko-vyplatyat-grazhdanam-za-dobrovolnuyu-sdachu-oruzhiya-rasskazali-v-mvd/?utm_source=chatgpt.com;

¹⁶ МВД призывает граждан сдать незаконно хранящееся... https://myd.gov.kg/rus/news/4127?utm_source=chatgpt.com

¹⁷ Protecting Critical Infrastructure from Terrorist Attacks 2025 © OSCE https://www.osce.org/sites/default/files/f/documents/e/6/597756_0.pdf?utm_source=chatgpt.com

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Қуроол тўғрисида” 29.07.2019 йилдаги ЎРҚ-550-сон Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.

¹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Рўйхатга олинмаган ўқотар қуроол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурималарини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш ҳамда ўқотар қуроол ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 25 июлдаги 310-сон қарори (Эълон қилинмаган);

²⁰ “Қуроол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220¹-моддасига қўшимча киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 27.08.2024 йилдаги ЎРҚ-946-сон, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2024 й., 03/24/946/0656-сон);

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қуроол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Рўйхатга олинмаган ўқотар қуроол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурималарини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан



Бироқ амалдаги тартибда белгиланган пул мукофотлари бозор нархларига мутаносиб эмаслиги фуқароларнинг ноқонуний қурол ва ўқ-дориларни ихтиёрий топширишга қизиқишини камайтирмоқда. Масалан, сойли стволли қуроллар учун мукофот 2,06 млн сўм этиб белгиланган бир пайтда, уларнинг бозор қиймати 3–15 млн сўм оралиғида, патронлар учун мукофот 20 600 сўм бўлса, амалдаги нархлар бир неча баробар паст ёки юқори. Бу ҳолат рағбатлантириш механизмларини иқтисодий асосланган меъёрлар билан янгилаш зарурлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, амалдаги 310-сон қарорнинг очик манбаларда эълон қилинмагани, унга оид ўзгартишларни ўз ичига олган 179-сон қарор эса очик ҳолда жойлаштирилгани амалиётда ҳуқуқий ноаниқликлар келтириб чиқармоқда. Хусусан, фуқаролар ва ИИО ходимларининг тўлиқ меъёрий матн билан таниша олмаслиги нормаларни бир хил татбиқ этиш, тушунтириш ишларини олиб бориш ва ҳуқуқий масалаларга аниқ жавоб бериш жараёнига тўсиқ бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар рўйхатга олинмаган қурол ва ўқ-дориларни ихтиёрий топшириш ҳамда мукофотлаш тартибини шаффофлаштириш, қарорнинг амалдаги махфийлик даражасини бекор қилиш ва уни очик эълон қилиш зарурлигини кўрсатади.

Баён этилган ҳолатлар ва қонунчиликка киритилган янгиликлар рўйхатга олинмаган ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларни ички ишлар органларига ихтиёрий топшириш ҳамда мукофотлаш тартибини шаффоф белгилаш учун амалдаги ҳукумат қарори қайта кўриб чиқилишини, шунингдек ушбу жараён тўғрисидаги маълумотларни очик тарзда эълон қилиш имконини яратиш мақсадида мавжуд махфийлик даражасини бекор қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ноқонуний қурол-яроғ муомаласига қарши курашишда процессуал келишув (судгача ҳамкорлик) институти муҳим аҳамият касб этади. Тергов амалиётида уюшган гуруҳ таркибидан ажралиб чиққан шахсларнинг контрабанда каналлари, яширин устахоналар ва қурол етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлари жиноий тармоқларни фoш этиш, далиллар базасини кучайтириш ва тергов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

“Хавфсиз ва соғлом юрт”, “Арсенал”, “Қурол” каби тезкор-профилактик тадбирлар ҳам ноқонуний қурол муомаласини олдини олишда аҳамиятли бўлиб, уларнинг самарадорлиги тўпланган тезкор ахборотнинг сифатли таҳлил қилинишига боғлиқ. 2025 йилнинг 11 ойида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 190 694 нафар қурол эгалари билан суҳбатлар ўтказилиб, 6 694 дона қурол сақлашга олинган, 20 548 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилган, 2 795 дона қурол ва 6 686 дона ўқ-дори ноқонуний муомаладан аниқланган. Шунингдек, 1 856 дона қурол ва 3 242 дона ўқ-дори фуқаролар томонидан ихтиёрий

топшириш ҳамда ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 25 июлдаги 310-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 25.03.2025 йилдаги 179-сон қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.03.2025 й., 09/25/179/0273-сон;



топширилгани жамоатчилик билан мулоқот механизмларининг самарадорлигини кўрсатади.

Қуролларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфи, уларнинг тарқалиш динамикаси ва замонавий кўринишлари мазкур соҳада кенг қамровли илмий тадқиқотларнинг долзарблигини янада оширмоқда. Илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, самарали профилактик механизмлар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини оптималлаштириш имкониятларини чеклаб қўяди.

Шу боисдан, Ўзбекистонда қурол муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни ислох қилишнинг илмий асосланган моделини яратиш қуйидаги йўналишларни:

а) ноқонуний қурол муомаласининг ҳолати, динамикаси, латентлик кўлами ва криминологик хусусиятларини;

б) хорижий давлатларда қуролларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари ва халқаро-ҳуқуқий стандартларни;

в) қурол муомаласи соҳасидаги миллий қонун ҳужжатлари ижроси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят иши юритиш амалиётини;

г) ноқонуний қурол муомаласи билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда унинг натижаларига асосланган ҳолда жорий профилактик чоралар самарадорлигини баҳолаш ва истиқболли, инновацион профилактик механизмларни ишлаб чиқиш зарур.

Қуролнинг ноқонуний айланмаси ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш фақат жиноий-ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмайди. У комплекс ёндашувни — ҳуқуқий тартибга солиш, маъмурий таъсир чоралари, профилактик тадбирлар, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзаро интеграциялашган механизмини талаб этади.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, мавжуд маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий нормалар ноқонуний қурол муомаласини тўлиқ бартараф этишга қодир универсал механизм эмас. Шунинг учун қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу соҳада юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича самарали ва мувозанатли чораларни излаб топиши, замонавий таҳдид ва қонунийлик талабларига мос тарзда қонунчиликни такомиллаштириб бориши зарур.





АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Общественные массовые стрелки и огнестрельное оружие: межнациональное исследование 171 страны электрон мурожаат:
https://www.researchgate.net/publication/292305105_Public_MassShooters_and_Firearms_A_Cross-National_Study_of_171_Countries?utm_source=chatgpt.com

¹ А.В. Голенков, П.Б. Зотов, В.А. Козлов, А.В. Филоненко “Массовые убийства с использованием огнестрельного оружия в современной России” 110 ва 114-бет, электрон манбаа: [massovye-ubiystva-s-ispolzovaniem-ognestrelnogo-oruzhiya-v-sovremennoy-rossii.pdf](#);

¹ Теракты в Норвегии в 2011 году, электрон манбаа: электрон манбаа: 2011 Norway attacks - Wikipedia ([turbopages.org](#));

¹ Резня в Керченском политехническом колледже, электрон манбаа: https://en.wikipedia.org/wiki/Kerch_Polytechnic_College_massacre?utm_source=chatgpt.com

¹ “Қонунга хилоф равишда қуролга эғалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 27.02.1996 йилдаги 3-сон, 1-банд, электрон манбаа: <https://www.lex.uz/docs/1441585?ONDATE=20.11.2023%2000#edi6688992>;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида” 29.07.2019 йилдаги ЎРҚ-550-сон Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 6.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” 15.12.2000 йилдаги 167-II-сон Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.

¹ Из истории “разрешительной” системы в России... Электрон манбаа: <https://forum.guns.ru/forummessage/36/1215024.html>.

¹ А.С. Сергиенко, Особенности правового режима оружия как объекта правоотношений / А.С. Сергиенко, Р.Р. Гедугошев // Закон и право. – 2023. – № 7. – С. 233-236.

¹ Может ли национальная программа обратного выкупа оружия сократить количество огнестрельного оружия на улицах Америки в 393 миллиона человек? https://www.abc.net.au/news/2019-08-05/us-shootings-gun-buy-back/11383084?utm_source=chatgpt.com;

¹ Закон об огнестрельном оружии (поправка) 1997 года, <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1997/5/contents>

¹ 1) Приказ Росгвардии N 216, МВД России N 440 от 23.06.2023 "Об утверждении



Порядка взаимодействия Федеральной службы войск национальной гвардии Российской Федерации, ее территориальных органов и органов внутренних дел Российской Федерации по вопросам,... https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_451636/8bba1e1df8c3450e935bb4d60787f4d7f70a34ae/?utm_source=chatgpt.com;

2) Добровольная сдача оружия “Памятка гражданам, добровольно сдавшим незаконно хранившееся у них оружие, боеприпасы, патроны, взрывчатые вещества или взрывные устройства для получения денежной выплаты” https://79.rosguard.gov.ru/page/index/dobrovolnaya-sdacha-oruzhiya?utm_source=chatgpt.com;

3) Программы обратного выкупа оружия в США, https://www.rand.org/pubs/research_reports/RRA243-7.html?utm_source=chatgpt.com

¹ 1) Закон Республики Казахстан “О государственном контроле оборота отдельных видов оружия” от 30 декабря 1998 года № 339. https://adilet.zan.kz/eng/docs/Z980000339/_compare?utm_source=chatgpt.com;

2) Сколько выплатят гражданам за добровольную сдачу оружия, рассказали в МВД, https://atpress.kz/ru/news/v-kazakhstane/skolko-vyplatyat-grazhdanam-za-dobrovolnuyu-sdachu-oruzhiya-rasskazali-v-mvd?utm_source=chatgpt.com;

¹ МВД призывает граждан сдать незаконно хранящееся... https://mvd.gov.kg/rus/news/4327?utm_source=chatgpt.com

¹ Protecting Critical Infrastructure from Terrorist Attacks 2025 © OSCE https://www.osce.org/sites/default/files/f/documents/e/6/5977560.pdf?utm_source=chatgpt.com

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Қурул тўғрисида” 29.07.2019 йилдаги ЎРҚ-550-сон Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Рўйхатга олинмаган ўқотар қурул ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш ҳамда ўқотар қурул ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 25 июлдаги 310-сон қарори (Эълон қилинмаган);

¹ “Қурул тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220¹-моддасига қўшимча киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 27.08.2024 йилдаги ЎРҚ-946-сон, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2024 й., 03/24/946/0656-сон);

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурул тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Рўйхатга олинмаган ўқотар қурул ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш ҳамда



Ўқотар қуrol ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 25 июлдаги 310-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 25.03.2025 йилдаги 179-сон қарори, Қонунчи

